**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ УСКУНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОҚИБАТИДА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚАЛТИСЛИКЛАРДАН СУҒУРТАЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**А Р И З А**

Охангарон Далварзин Ирригация тизими бошқармаси
Пискент туман Тўйчи полвон №1

"Ўзагросуғурта" АЖ Пискент туман бўлинмасининг "Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасидан фойдаланиш оқибатида юз бериши мумкин бўлган қалтисликлардан суғурталаш тўғрисида"ги **2022 й. «20» январда тасдиқланган 1 – сонли** Шартнома шартларига асосан Суғурта шартномасини тузишингизни сўрайман **(Автотранспортлар рўйхати илова қилинади).**

Умумий Суғурта пули **8 000 000 (Саккиз миллион) сўм.**

Ҳар бир автотранспорт учун Суғурта пули **40 000 (Қирк минг) сўм.**

Газ ускунаси ўрнатилган автотранспортлар сони 4 та.

**Суғурта шартномаси билан танишдим ва шартларига розиман.**

Суғурта қилдирувчи ________ (имзо) 2022 й. «20» январь

Аризани текшириб қабул қилдим ________________ (лавозими, ФИШ)

________ (имзо)

2022 й. «20» январь

Кондага 2 илова

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ УСКУНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОҚИБАТИДА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚАЛТИСЛИКЛАРДАН СУҒУРТАЛАШ БЎЙИЧА**

**1 - СОНЛИ ШАРТНОМА**

2022 йил «21» январ Пискент ш.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензияси ва 2022 йил 05 январдаги 05 – 06 ЛФ – 8СМ сонли Ишончномага асосан фаолият юритувчи "Ўзагросуғурта" АЖ Тошкент вилояти Пискент Суғурта Маркази (бундан кейинги матнда **«Суғурталовчи»** деб юритилади), номидан менеджер Н.Убайдуллаева бир томондан, ўз Устави (Низоми) асосида иш юритувчи **Охангарон Далварзин ИТБ** (бундан кейинги матнда **«Суғурта қилдирувчи»** деб юритилади), номидан иккинчи томондан қуйидаги шартлар асосида **З.Джумабоев** мазкур Суғурта шартномасини туздилар:

## I. ШАРТНОМАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ ТАВСИФИ:

| Атамалар | Таъриф |
|---|---|
| **1.1.Суғурта полиси** | Мазкур шартномани асосий шартларини ўз ичига олган ва суғурта жавобгарлиги кучга кирганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат; |
| **1.2.Суғурта муддати** | Суғурта полисининг амал қилиш муддати; |
| **1.3.Суғурта қиймати** | Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини сотувдаги ёки баҳоловчи эксперт томонидан баҳоланган ҳақиқий бозор нархи; |
| **1.4.Суғурта пули** | Суғурталовчининг энг юқори жавобгарлиги миқдорини белгиловчи ва Суғурта қийматидан ортиқ бўлмаган сумма; |
| **1.5.Суғурта мукофоти** | Суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахс томонидан суғурталаш учун Суғурта полисига асосан Суғурталовчига тўлайдиган пул маблағи; |
| **1.6.Суғурта ҳодисаси** | Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини йўл транспорт ҳодисаси (ЙТҲ), ёнғин ва портлаш натижасида йўқотилиши ёки зарарланиши ҳамда автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускунасини портлаши ёки ёнғин чиқиши оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар)га зарар етказилиши; |
| **1.7.Франшиза (шартсиз)** | Суғурта қилдирувчи кўрган зарарнинг Суғурталовчи томонидан ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича қопланмайдиган қисми; |
| **1.8.Суғурта товони** | Суғурта ҳодисаси рўй берганда Суғурталовчи томонидан Суғурта пули доирасида Суғурта қилдирувчига, учинчи шахсга ёки уларнинг қонуний меросхўрларига тўланадиган пул маблағи; |
| **1.9.Форс-мажор** | Суғурта полиси ва мазкур қоида шартлари тўлиқ ёки қисман бажарилмай қолишига олиб келиши мумкин бўлган фавқулотда, ақлий тадбирлар билан олдини олиб бўлмайдиган, Суғурта полиси томонларининг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолат. |

## II. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

Мазкур шартнома бўйича Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини йўл транспорт ҳодисаси (ЙТҲ), ёнғин ва портлаш натижасида йўқотилиши ёки зарарланиши ҳамда автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускунасининг портлаши ёки ёнғин чиқиши оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар)га етказилган зарарни қопланиши билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг қонун

6.4. Учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилганда Суғурта товони Суғурта пулининг 35 фоизидан, хаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда Суғурта товони миқдори Суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.5. Суғурта ходисаси, шунингдек, келтирилган зарарни исботлаш Суғурта қилдирувчи зиммасига юкланади.

6.6. Суғурта қилдирувчи томонидан зарарни баҳолатиш ишлари учун қилинган харажатлар Суғурталовчи томонидан қопланмайди.

Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг эскириш қиймати товар кўриниши ва Суғурта полисида келишилган франшиза миқдори ҳар бир тўланаётган суғурта товони миқдоридан чегириб қолинади.

6.7. Суғурта ходисаси натижасида автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасига етказилган зарарнинг ёки портлаши оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар)га зарар етказилишида Суғурта товонининг маълум қисми айбдор ёки бошқа шахслар томонидан қопланган бўлса, Суғурталовчи томонидан Суғурта товони зарарнинг қопланган қисми миқдорида камайтирилади.

6.8. Суғурталовчи томонидан суғурта ходисаси тан олингач, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида суғурта товони миқдорини белгилаган ҳолда далолатнома расмийлаштирилади. Далолатномани имзолашда томонлар ўз эътирозларини ёзма билдиришлари мумкин.

6.9. Суғурта товони тўлаш суғурта қилдирувчининг тижорат банкидаги ҳисоб рақамига ёки пластик карточкасига пул маблағини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.10. Суғурта товонини тўлашни рад этиш:

-агар Суғурта қилдирувчи суғурта ходисаси юз берганлиги тўғрисида Суғурталовчини ўз вақтида сабабсиз хабардор қилмаса;

-Суғурта қилдирувчи суғурта ходисаси сабаби ва хусусиятларини аниқлаш учун зарур маълумот ва хужжатларни тақдим қилмаганда;

-Суғурта қилдирувчи Суғурта полисидан наф олиш мақсадида ёлғон восита ва усулларни ишга солганда;

-Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса, шунингдек, Суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча хужжатлар ва далилларни Суғурталовчига ва барча маълумотларни унга маълум қилишдан бош тортганда.

## VII.СУҒУРТАЛОВЧИ ВА СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**7.1.Суғурталовчининг мажбуриятлари:**

а) Суғурта қилдирувчини суғурта шартлари билан таништириш;

б) Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти тўлангандан сўнг суғурта полисини бериш;

в) Суғурта ходисаси рўй бергач, мазкур қоидаларда ўрнатилган тартиб ва муддатларда даъвони ўрганиб чиқиш ҳамда Суғурта товонини тўлашни амалга ошириш;

г) Суғурта товонини тўлаш рад қилинган тақдирда, Суғурта қилдирувчини барча зарур бўлган хужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида рад қилиш асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилиш;

д) Суғурта қилдирувчи/учинчи шахслар томонидан барча зарур хужжатлар тақдим қилингандан ҳамда Суғурта товонларини тўлаш Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи билан Суғурта ходисаси тан олинганлиги тўғрисидаги далолатномани имзолангандан сўнг 5 банк куни муддатида тўлаш;

е) ўзининг соҳадаги фаолияти натижасида олинган Суғурта қилдирувчи ва унинг мулкий ҳамда молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тарқатмаслик.

**7.2.Суғурталовчининг ҳуқуқлари:**

а) Суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахслар Суғурта товонига даъво қилганда Суғурта қилдирувчидан суғурта полисида ва мазкур қоидаларда кўрсатилган мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш. Суғурта қилдирувчи томонидан мажбуриятларининг ўз вақтида ёки умуман бажарилмаслиги оқибатида юзага келадиган хавфлар Суғурта қилдирувчи зиммасига юклатилади.

б) Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси тузилишидан аввал Суғурталовчига ёлғон маълумотлар берганлиги аниқланса, суғурта шартномасининг ҳақиқий эмас деб тан олинишини ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида назарда тутилган оқибатлар қўлланишини талаб қилиш;

в) қуйидаги ҳолатларда Суғурта товони тўлашни рад этиш:

-агар Суғурта қилдирувчи суғурта ходисаси юз берганлиги тўғрисида Суғурталовчини ўз вақтида сабабсиз хабардор қилмаса;

-Суғурта қилдирувчи суғурта ходисаси сабаби ва хусусиятларини аниқлаш учун зарур маълумот ва хужжатларни тақдим қилмаганда;

-Суғурта полисидан наф олиш мақсадида ёлғон восита ва усулларни ишга солганда;

-Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса, шунингдек, Суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча хужжатлар ва далилларни Суғурталовчига ва барча маълумотларни унга маълум қилишдан бош тортганда.

г) суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинганда Суғурта полиси шартларини ўзгартиришни ёки қўшимча Суғурта мукофотини тўлашни талаб қилиш;

д) зарур ҳолларда автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасига етказилган зарарни экспертиза ташкилотларида қайта баҳолатиш ва улар томонидан берилган хужжатлар (калькуляция, мутахассис фикри, далолатнома ва бошқалар) асосида суғурта товони тўлаш;

е) автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг суғурта ходисалари натижасида зарарланган ва баҳолаш ташкилотларининг калькуляцияларига кўра яроқсиз деб топилган эҳтиёт қисмларини талаб қилиб олиш.

**7.3.Суғурта қилдирувчининг/учинчи шахсларнинг мажбуриятлари:**

а) Суғурта ходисаси содир бўлганлиги ўзига маълум бўлгандан сўнг 72 соатдан кечикмай Суғурталовчи унинг вакилини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш;

б) Суғурта ходисаси содир бўлганда Суғурталовчига суғурта товонини кўриб чиқиш учун мазкур қоиданинг 8-бўлимида кўрсатилган барча хужжатларни тақдим қилиш;

в) Суғурта полиси тузилаётганда ўзига маълум бўлган ва Суғурта ходисаси юз бериши эҳтимолини ҳамда унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни Суғурталовчига хабар қилиш;

г) Суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш;

д) Суғурта полисининг амал қилиш даврида Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган, ўзига маълум бўлган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, Суғурталовчига дарҳол хабар қилиш;

е) Суғурталовчининг розилигисиз автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунаси эҳтиёт қисмларини бир-биридан ажратиш ва ҳеч қандай таъмирлаш ишларини бошлаб юбормаслик. Ҳайдовчи ва йўловчи хавфсизлигини таъминлаш ёки ваколатли ташкилотлар буйруқ ва фармойишларини бажариш учун зарурият туғилган ҳолатлар бундан мустасно;

ж) автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини кўрикдан ўтказиш вақти, куни ва жойини, зарарланган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини ёки унинг қисмларини сотиш ёки қайта ишлашга ёки металлоломга топширишни Суғурталовчи билан келишиб олиш;

з) Суғурталовчининг ёзма розилигисиз тўлов кафолатлари ёки мажбуриятларини ўз зиммасига олмаслик;

и) автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини яроқли ҳолатда сақлаш бўйича доимо олдини олиш чораларини ўтказиш.

**7.4.Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:**

а) Суғурталовчидан Суғурта полисининг тўлиқ амал қилиш даврида суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар олиш;

б) Суғурта ходисаси содир бўлганда ушбу суғурта бўйича Суғурталовчидан қабул қилган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш;

в) мазкур суғурта доирасидаги келишмовчиликларни мувофиқлаштириш учун мустақил экспертни жалб қилиш.

## VIII.НИЗОЛАРНИ КЎРИШ

Суғурта шартномаси/полисидан келиб чиқадиган Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасидаги барча низолар ўзаро келишувга асосан, келишиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## IX.РЕГРЕСС

9.1. Суғурта қилдирувчининг Суғурта ходисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига ўтади.

9.2. Суғурта қилдирувчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

9.3. Суғурта қилдирувчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчининг (учинчи шахсларнинг) айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортиқча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

## X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзолангандан кундан кучга киради, Суғурталовчининг жавобгарлиги Суғурта мукофоти тўлангандан сўнг бошланади.

10.2. Ушбу шартнома томонлар келишуви ёки уларнинг бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда бекор қилиш ташаббуси билан чиқаётган томон иккинчи томонни камида 30 (ўттиз) кун олдин шартномани бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сақланади.

| “Суғурталовчи” номидан | “Суғурта қилдирувчи” номидан |
|---|---|
| **“Суғурталовчи” номидан** | **Охангарон Далварзин ИТБ** |
| **“Ўзагросуғурта”АЖ Пискент суғурта маркази** | [illegible] |
| **Пискент шахар А.Темур кўчаси 191ª** | [illegible] |
| **х/р20216000000101171026** | ИНН 202290310 |
| **Микрокредитбанк АТБ Тошкент вилояти филиали** | МФО 00014 |
| **МФО 00455 ИНН 200794771** | **Рахбар Джумабоев З** |
| **Тел 54-52-195 , 54-52-191** | **М.Ў.** ________ имзо |
| **Менеджер: Н.Убайдуллаева** | **Пискент туман Ғазначилик бўлими** |
| **М.Ў.** ________ **имзо** | **Х/Р 23402000300100001010** |
| | **ИНН 201122919 МФО 00014** |
| | **Ўз.Р Марказий банки Тошкент шахар бош бошқармаси ХККМ** |

Юрист:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI

Sug'urtalovchilar va sug'urta brokerlarining sug'urta faoliyatini amalga oshirishga

# LITSENZIYA

Seriya SF

00228 -son

O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligining 20 08 yil " 07 " yanvar dagi 2-SF -sonli buyrug'iga asosan mazkur litsenziya "O'zagrosug'urta" aksiyadorlik jamiyati ga

umumiy sug'urta sohasida majburiy va ihtiyoriy shakllarda quyidagi klasslar:

1-klass – Baxtsiz hodisalardan ehtiyot shart sug'urta qilish;

2-klass – Kasallikdan ehtiyot shart sug'urta qilish;

3-klass – Yer usti transport vositalarini sug'urta qilish;

4-klass – Harakatlanadigan temir yo'l tarkibini sug'urta qilish;

5-klass – Aviatsiya sug'urtasi;

6-klass – Dengiz sug'urtasi;

7-klass – Yo'ldagi mol-mulkni sug'urta qilish;

8-klass – Mol-mulkni olovdan va tabiiy ofatlardan sug'urta qilish;

9-klass – Mol-mulkni zarardan sug'urta qilish;

10-klass – Avtofuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

11-klass – Aviatsiya sug'urtasi doirasidagi javobgarlikni sug'urta qilish;

12-klass – Dengiz sug'urtasi doirasida javobgarlikni sug'urta qilish;

13-klass – Umumiy fuqarolik javobgarligini sug'urta qilish;

14-klass – Kreditlarni sug'urta qilish;

15-klass – Kafillikni (kafolatlarni) sug'urta qilish;

16-klass – Boshqa moliyaviy tavakkalchiliklardan sug'urta qilish;

17-klass – Huquqiy himoya qilish bilan bog'liq xarajatlarni sug'urta qilish

bo'yicha sug'urta faoliyatini amalga oshirishga ruxsat etiladi

Litsenziya egasining manzili (pochta adresi): O'zbekiston Respublikasi, 100156, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, 19-mavze, 61/2-uy

Litsenziya egasining soliq to'lovchi sifatida identifikatsion raqami: 201042345

Litsenziya berilgan sana 20 18 y. 19 aprel

Reyestrga kiritilgan raqami 221

Xaydarov A.Y.

№ 00228

UZINSURANCE
Toshkent viloyati filiali

O'zbekiston Respublikasi, Toshkent v. 111800
Zangiota tumani, Oybek MFY, Ohunboboev k.
toshkent@ugros.uz, toshkent@exat.uz

2022 " 5 " 01
№ 05-06/1ф-8сн

Сугурта марказини бошқариш учун

**ИШОНЧНОМА**

Ушбу ишончнома билан "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти (кейинги матнда **"Жамият"** деб юритилади) Бошқаруви "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134, 138, 139, 140, 144-моддаларига амал қилиб, Жамият Устави, филиаллар тўғрисидаги Низомга ҳамда Суғурта марказлари тўғрисидаги Низомларга асосан, Жамиятнинг **Тошкент вилояти "Пскент" суғурта маркази менежери в.в.б. Убайдуллаева Насиба Бегимқуловнага (паспорт АА 1020536, 14.03.2013 йилда Тошкент вилояти Пискент тумани ИИБ томонидан берилган)** – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави, "Суғурта марказлари тўғрисида"ги Низом, Жамият Бошқаруви ва худудий филиал қарорлари ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажариши учун марказ фаолиятини бошқариш ваколатини беради. Ушбу вазифаларни бажариш учун менежерга жисмоний ва юридик шахслар билан Жамият номидан суғурта шартномаларини тузиш, "Суғурта марказлари тўғрисида"ги Низом, мазкур ишончнома, меҳнат шартномасига кўра ўз ваколатлари доирасида унга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик олиб бориш, Жамият номидан барча корхона, ташкилот, муассаса ва бошқарув органлари билан бўладиган муносабатларда ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиш, ўрнатилган намунавий шаклдаги юридик аҳамиятга эга бўлган барча турдаги шартномаларни, ихтиёрий ва мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта жавобгарлигининг белгиланган лимит доирасида (лимитдан ошган ҳолларда филиал рухсати билан) Жамият номидан (ушбу ишончноманинг тўртинчи қисмида таъқиқланган ва/ёки чеклаб қўйилганларидан ташқари) тузиш, имзолаш, муҳрлаш, шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, марказ ходимлари меҳнатини ташкил этиш, уларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатлар бериш, марказ фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқлари берилади.

Шунингдек, менежер вакил сифатида – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134, 139-моддалари, Фуқаролик процессуал кодексининг 69-моддаси, Иқтисодий процессуал кодексининг 63-моддаси ва Жиноят процессуал кодексининг 62, 63-моддаларига биноан барча ваколатлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлгандан ёки муддати тугагандан кейин ишончнома олган шахс дарҳол ишончномани қайтариб бериши шарт.

**Жамият Бошқарувининг 2020 йил 30 сентябрдаги 177-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган миқдордан (лимитдан) ортиқ бўлган миқдордаги суғурта жавобгарлиги келиб чиқадиган ва/ёки чекловлар жорий этилган суғурта турлари бўйича суғурта шартномаларини тузиш, суғурта полисларини расмийлаштириб бериш, кредит қайтмаслиги таваккалчилиги бўйича суғурта шартномаларини имзолаш, шунингдек, Жамият Бошқаруви рухсатисиз Жамият номидан учинчи шахслар мажбуриятларини тўлаб беришга кафил бўлиш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиб юбориш – Убайдуллаева Насиба Бегимқуловна ваколати доирасига кирмайди. Менежер бу ҳаракатларни фақаттина Жамият Бошқарувининг ёзма розилиги билан амалга ошириши мумкин.**

Ишончнома 2022 йил 5 январдан 2023 йил 1 январгача ҳақиқий ҳисобланади.

**Тошкент вилоят филиали бошқарувчиси** — **Р.Хидралиев**



Аслига тўғри